

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 26-iyun, chorshanba № 48 (15686)

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Obod hududlar

### Юртбошимиз ташрифи бизни янги марраларга илҳомлантирди

Юртбошимиз Жиззах вилоятига ташрифи чоғида бизнинг Пахтакор туманида ҳам бўлиб, дала меҳнаткашлари билан учрашгани кўнглимизни тоғдай кўтарди. Туманимиз шарафи учун чексиз фахру ифтихор туйдим. Юртдошларимиз билан қизгин ва самимий тарзда ўтган суҳбатни телевизор орқали оиламиз аъзолари билан кўрар эканман, ҳаяжоним чексиз эди.

Туманда ўттиз йилдан ортиқ меҳнат қилдим. Энди нафақага чиқаман, деб турганимда ўзим яшаётган ҳудуддаги қишлоқ фуқаролар йиғинига жамоатчилик раиси этиб сайландим. Халқнинг ишончи мени яна енг шимариб ишлашга, қизгин фаолиятга қайтарди. Масканимиз ободлиги учун турли лойиҳаларни ишлаб чиққанмиз. Биринчи галда ичимлик суви муаммоси ҳал бўлди. Бир ярим миллиард сўм маблағ эвазига ичимлик суви келтирилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлида қилаётган ишларимиз ҳам талайгина. Худудимизда балиқчилик хўжалиги, тикув цеҳи, қолипли нон цеҳи очилди. Ишсизликнинг олдини олиш мақсадида касаначиликни йўлга қўйдик. Ёшларимиз замонавий билимлардан хабардор бўлсин, деб яқинда компьютер ўқув марказини ишга туширамиз. Болалар майдончаси куриляётганлигидан, айниқса, фарзандларимиз хурсанд. Албатта, уларнинг қувончи биз, ёши катталарга куч-қувват бағишлайди. Ўзимиз яшайдиган ҳудудни обод қилиш бўйича ишлаб чиққан йигирмата лойиҳамиз тўлиқ амалга ошса, шаҳарчамиз чиндан ҳам гулзор бўлади.

Ўзимиздан гапирадиган бўлсам, бизнинг ҳам фермер хўжалигимиз бор. Номи — «Кенгсой дараси». Ўғлим Собиржон Қўшбоқов унга раислик қилади. Ўттиз гектар майдонга ғалла экиб, етмиш тонна ғалла топшириб, давлатимиз хирмониغا ҳисса қўшди. Йигирма саккиз гектар пахтазоримизда ғўза парвариши ҳар қачонгидан қизгин ва уюшқоқлик билан бажариляпти. Пахтамиз баравж. Албатта, бунда хўжалигимиз ишчиларининг ҳиссаси баланд.

Президентимиз меҳнаткашлар билан учрашганда, ёшларга эътиборли бўлиш кераклиги ҳақида алоҳида таъкидлаб гапирдилар. Фермер хўжалигини бошқараётган ўғлим Собиржон айтишга ўттиз ёшда. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг фермерларга билдирган ишончидан ўғлим ҳам ғоятда руҳланди. Юртбошимизнинг бу ташрифи ва ишончи барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди ҳамда фаолиятимизга улкан рағбат бағишлайди.

Озода ҚЎШБОҚОВА,  
Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини раиси



Сардор Муллажонов фотокolleж

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

## Журналист, энг аввало, яхши одам бўлсин

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Шарқ» НМАК бош тахририяти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов билан суҳбат

— Аҳрор ака, биз каби ёш «мухбир бола»ларга сиз учун журналистиканинг бирор-бир сирли жойи қолмагандек туюлади. Газета, радио, телевидение, ноширлик — уларнинг ҳеч бири сизга бегона эмас. Ҳар бирида узок йиллик тажрибангиз бор. Ўтган йиллар мобайнида яхши журналист ким, у қандай бўлиши керак, деган саволларга қандай жавоб топдингиз?

— Бу саволга жавоб топилган кун журналистика ўзининг сир-синоатини, жозибасини, оҳанрабошини йўқотган бўларди... Тўғри, унга ҳаммининг ўзича жавоби бор, ҳар қалай ўтган йиллар қандайдир хулосалар чиқаришга асос бўлади. Менинг тасаввуримда, журналист, энг аввало, яхши одам, ҳалол, пок ва самимий бўлиши керак. Ис-

тайсизми-йўқми, кимнинг нима ёзганига қараб қандай одам эканлигини сезиш мумкин. Ва албатта, билим, тасаввур, тафаккур, қиёсий мушоҳада ва тил. Айниқса, тил. Бугунги газетачиликнинг тили, назаримда, бироз расмийлашиб, ижтимоийлашиб кетаётгандек.

— Бундан 28 йил аввал «Turkiston»да эълон қилинган мақолаларингиздан бирида украиналик машҳур футбол устаси Олег Блохин ҳақида: «У ҳамон фақат Олег Блохинга хос ташналик билан «ютоқиб» машқ қилади. Футболни тирикчилик манбаи эмас, балки ўз ҳаёти, қисмати, эътиқоди, деб билган кишигина шундай иш-лашга қодир», деб ёзгансиз. Сиз ўз касбига, ишига фидойиликни, садоқатни бугун қандай таърифлайсиз?

— Саволингизнинг бош қисми мени сиз айтган ўша 28-30 йил олдинги даврларга олиб кетди. Ажойиб жамоамиз бор эди. Жон-жаҳдимиз билан ишлардик. Ҳатто ишдан кетгимиз келмасди. Шанба куни, аслида, иш куни эмасди. Лекин биз, ёшлар таниқли журналист Сафар Остонов бошчилигида ишлардик. Бир гал Сафар акага, биз-ку майли, ёшмиз, квартира ё ётоқхоналарда турамыз. Ундан кўра келиб ишлаганимиз яхши. Сиз-чи, уй-жойингиз бор, болалар, дам олмайсизми, уйдагилар индамайди, дегандим. Сафар ака кулиб: «Уйдагилар шанбани иш куни деб ўйлашади», деб жавоб қайтарганди. Кейин билсам, ака яқшанба куни ҳам ишларкан. Ҳозир ҳам...

(Давоми 4-бетда)

## Hududlardan mujdalar

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Шеробод туманининг Шолқон қишлоғидаги «Нефтчи» болалар ёзги оромгоҳида уч кун мобайнида «Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгаши томонидан «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳаси доирасида туркум маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.**

Лойиҳанинг асосий мақсади оромгоҳда дам олаётган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли, қизиқарли ўтказиш, уларда соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш, ёш авлодни турли иллатлардан огоҳ этиб, иқтидор ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга қаратилди.

Халқимизга хос болажонлик фазилати мазкур тадбирларда яққол кўринди. Чунончи, «Сиз «Камолот»ни биласизми?» тадбири, «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови, «Тозалик — соғлиқ гарови» иншола танлови ва «Энг озода хона», «Энг намунали тарбиячи» танловларида болалар фаол қатнашиб, маданий ҳордиқ чиқаришди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида малака ошириш ўқув семинари ўтказилди.**

Интерфаол усулда ўтган ўқув семинарида БТ етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарлари ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон ва хориз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёшларга оид давлат сиёсати ва қонунчилик ҳамда ўқувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотнинг роли каби мавзуларда маъруза ва амалий машғулотлар олиб борилди. Шунингдек, БТларда ижобий психологик муҳитни яратиш мақсадида таълим муассасаларида бошланғич ташкилот етакчисининг ўрни, ёшлар билан ишлашда психологик методлардан фойдаланиш тўғрисида тушунчалар берилди.

Бошланғич ташкилотлар ва етакчиларнинг иш фаолиятини янада такомиллаштиришга туртки бўлган ўқув семинари сўнггида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

# Ҳаммаси иродага боғлиқ

**Зарарли одатни ҳеч ким мажбурият юзасидан орттирмайди. Демак, гиёҳвандлик йўлига кириш ҳам, ундан қутулиш ҳам инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ. Шу жиҳатдан аҳоли, хусусан, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи катта аҳамиятга эга. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан йирик лойиҳалар амалга ошириб келиняпти.**

Ҳаракат жорий йилнинг 1 июнидан 1 июлига қадар «ОИВ/ОИТС инфекцияси, гиёҳвандлик ва чекишга қарши курашиш» ойлигини эълон қилди. Ойлик доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида «Биз соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» мавзусида расмлар танлови, спорт мусобақалари, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ўтказиб келиняпти. Бугун 26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куну муносабати билан вилоятлар марказларида лойиҳанинг якуний ёшлар акцияси бўлиб ўтади.

— Ушбу акцияни ўтказишдан асосий мақсадимиз ёшларни ягона эзгу мақсад атрофида бирлаштиришдир, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Умид Ражабов. — Акцияда Ҳаракатнинг фаол аъзолари ҳамда гиёҳвандликка қарши фаол курашув-

чи ёшлар иштирок этади. Улар учун ҳудудларга «Камолот» логотипи акс эттирилган кепка ва футболкалар тарқатилди. Лойиҳа доирасида ўтказилаётган расмлар танловида ўн ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлганлар қатнашмоқда. Уч босқичли расмлар танлови ғолиблари вилоят марказларида бўлиб ўтадиган ёшлар акциясида тақдирланади. Унда «Энг яхши тарғиботчи», «Энг яхши тарбиявий руҳдаги иш», «Зарарли иллатлар муаммоси акс этган энг яхши иш», «Экологик муаммо акс этган энг яхши иш», «Энг яхши соғлом ҳаёт тарзи тасвири», «Соғлом оила — баркамол авлод», «Энг ёш тарғиботчи» номинациялари ғолиблари ҳам аниқланади. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича ўтказилаётган «Камолот» кубоги мусобақаси ҳамда «Ка-

молот» шахмат тахтаси» турнири ҳам ушбу лойиҳа доирасида бўлиб ўтаётди. Яна бир янгилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати жорий йилнинг июль ойидан йил охирига қадар «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида акция ўтказилади.

Лойиҳа доирасида ўтказилаётган тадбирлардан бири Паркент туманидаги «Машъал» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилди. «Биз соғлом ҳаёт тарзи тарафдоримиз!» шиори остида ўтган тадбирда давра суҳбати ҳамда расмлар, шашка, шахмат, арқон тортиш, югуриш, стол тенниси мусобақалари ўтказилди. Унда Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошидаги «Ёшлар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик касалликларининг олдини олиш» лойиҳаси координатори, Саломатлик ва тиббий статистика



институти Тошкент вилояти филиали бўлим мудири, туман саломатлик маркази шифокори ва бошқалар иштирок этиб, ёшларга гиёҳвандликнинг асоратлари, захарли оғу домига тушган кимсаларнинг ҳолатлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтиришди. Тадбир давомида ёшлар билан интерфаол машғулотлар олиб борилди. Унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Ёшларга «Ўлим сўқмоғи» ҳамда «Аччиқ қисмат» номли ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритганлар Ҳаракат томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Сайхунбод туманида мазкур сана муносабати билан дзюдо мусобақаси ташкил этилди. Туман кураш федерациясида бўлиб ўтган мусобақада 2002-2003, 1999-2001 ва 1995-1996 йилларда туғилган юз нафар полвон қатнашди. Улар 23 килограммдан 65 килограммгача вазн тоифасида курашди.

Қизғин беллашувларда саккиз нафар полвон ўз вазн тоифалари бўйича биринчи ўринни эгаллаб, I даражали диплом билан тақдирланди.

Ҳаракатнинг барча туман, шаҳар кенгашлари томонидан маҳаллаларда гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари акс эттириладиган расмлар танлови, ҳужжатли фильмлар намойиши ўтказилиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, болаларнинг ёзги дам олиш, шунингдек, ҳарбий-спорт оромгоҳларида давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари билан учрашувлар, интерфаол ўйинлар ташкил этилмоқда.

**Рустам ҚўЧҚОРОВ**

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ёшлар ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.**

## Ёшлар ҳаёти — муҳим мавзу

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Б.Фаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳиятини жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим ишларни амалга ошираётганини таъкидлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёш журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида журналистика соҳасига қизиқувчи ёшлар учун семинар-тренинглари, маҳорат мактаби машғулотлари ташкил этилмоқда. «Камолот»нинг жойлардаги тузилмалари қошида журналистика тўғрисидаги йўлга қўйилган. Бу турли ҳудудларда яшаётган иқтидорли ёш қаламкашларнинг ижодий маҳоратини юксалтириш, устоз-шоғирд аъёнларини ривожлантиришга хизмат қилаётди.

Учрашувда ёшлар ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш хусусида атрафлича фикрлашилди. Ёшлар ҳаётини фаол ёритиб келаётган бир гуруҳ журналистларга эсдалик совғалар топширилди.

**Б.ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири**

«Kamolot» loyihalari

## Цехлар кулги улашганда

**Бекобод шаҳридаги металлургия маданият саройида «Ўзметкомбинат» ОАЖ ёш ишчи ва ходимлари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди. Тадбир «Ўзметкомбинат» корхонасидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.**

— Танлов жараёнида иштирокчи жамоалар меҳнат фаолияти ҳамда кундалик турмушда учрайдиган турли вазиятларни юмористик саҳна кўринишлари орқали намойиш этишди, — дейди «Ўзметкомбинат» ОАЖ «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Бехзод Қодиров. — Ушбу лойиҳа корхонамиз меҳнат жамоасида кўплаб истеъдодли ёшларни кашф этишга ёрдам берди.

Танлов натижасига кўра, биринчи ўрин 1-навли прокат цехининг «Соққалар» жамоасига насиб этди. Халқ истеъмоли моллари цехининг «Замонавий кулоллар» жамоаси 2-ўринни эгаллади. Шунингдек, ушбу жамоанинг фаол аъзоси Ф.Раҳмонкулов энг истеъдодли иштирокчи номинацияси бўйича тақдирланди.

Ғолиб жамоаларга комбинат раҳбарияти томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

**Наргиза БАҲОДИРОВА**

# Аҳиллик — фаровонлик калити



«Мустақкам оила — маҳалла тинчлиги», «Маҳалламизнинг фахрли оилалари»... Мана шу каби шиорлар билан безалган маҳалла пештоқига бўш иш ўринлари ҳақида маълумотнома олиб қўйилган.

Қия очик турган эшикдан ичкарига қараймиз, сочларига оқ оралаган кексароқ бир киши ниманидир варақламоқда. Саломимизга, ваалайкум ассалом, дея алик олди соф ўзбекча...

Хона деворидаги маҳалла фаолияти акс этган суратлавлар, фахрий ёрлик ва дипломлар, китоб жавонидаги бадий адабиётлар мўъжазгина музейни эслатади.

Жавондаги китобларнинг деярли барчаси ўзбек тилида. Маҳалла раисининг айтишича, бу ердаги китоблар шахсий кутубхонасининг бир қисми, холос. Деворга илинган «Энг намунали маҳалла» деб ёзилган стэнд эътиборни тортади. Уни ўқиб билдикки, ўтган йили «Аҳилбод» маҳалласи тумандаги 58 та маҳалла орасидан энг намунали маҳалла деб топилган экан. Демак, маҳалладаги ишлар ҳам шунга муносиб.

— Кечкурун соат тўққизгача шу ердамиз, — дейди пойтахтимиздаги Юнусобод ту-

манида жойлашган «Ахилбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Вячеслав Ким. — Чунки маҳалла аҳлининг кўпчилиги кундузи ишда бўлади. Шу сабаб, уларнинг бирор маслаҳатли юмуши бўлса, кечкурунлари келади. Мавжуд муаммо ва камчиликларни маҳалладошлар билан кенгашган ҳолда ҳал қиламиз.

Маҳалла оқсоқоли, иш фаолиятимиз билан яқинроқ танишинг, дея бизни қўшни хонага бошлади. Хонада маҳалла ҳуқуқшуноси Саноат Муллаева қизининг турмуши бузилиш арафасида турган онахонга ҳуқуқий маслаҳат бераётган эди. Онахоннинг айтишича, қизи банкда ишлайди. «Агар у ажраса, кейинги иш фаолиятига таъсир этмайди ми?» — деб сўради онахон. Маслаҳатчи буни қонуний изохлаб берганидан сўнг, маҳалла раиси Вячеслав Ким онахонга қизининг карьерасини эмас, биринчи навбатда, оиласини сақлаб қолишни маслаҳат берди. Ярим соат-

лар давом этган суҳбатдан сўнг, онахон ёш оиланинг турмушини сақлаб қолишини, уларни шу ерга олиб келишини айтди.

— Қаранг-а, айримлар учун оила эмас, карьера муҳимроғи, — деди қуёнчаклик билан маҳалла оқсоқоли. — Бундай оилаларда ажримлар бўлмаслиги учун узоқ йиллардан буён аҳилликда яшаб келаётган кекса отахон ва онахонлар билан биргаликда ёш оилалар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бораётишимиз.

Бугун «Ахилбод» маҳалласида ўн етти миллат вакилидан иборат олти мингдан ортиқ аҳоли ҳамжиҳат бўлиб яшамоқда. Улар маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш ишларида ҳам бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишади. Уларнинг озода бўлиши, йўлакларнинг тоза туриши учун нафақат уй-жой мулкдорлари ширкатлари, балки маҳалла жамоаси ҳам аҳилликда ишлайди. Қувонарлиси, туманда биринчилардан бўлиб, маҳалла ҳудудидаги чиқиндиларнинг узоқ вақт туриб қолмаслиги учун трактор сотиб олинди.

— Ушбу трактор фақат маҳалламиз учун хизмат қилади, — таъкидлайди Вячеслав Ким.

Маҳалла обод — yurt obod

— Энди «Ахилбод» маҳалласида чиқиндилар кунлаб бижиб ётишини кўрмайсиз, улар ҳар куни олиб кетилади. Жорий йилда уч километр масофада кўча ва йўлақлар янгидан асфальт қилинди. Маҳалламизда болажонлар учун олтига ўйин майдончаси ташкил этилган. Йил охирига қадар яна олтига майдонча болалар ихтиёрига топширилади. Маҳалламиздаги мактаб ва мактабгача таълим муассасасида «Маҳалла — мактаб — оила» ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Тўй маросимларида ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун ҳар бир тўйда маҳалла вакили қатнашади. Тўй эгалари эса тўйдан олдин маҳаллага келиб, маслаҳат олишади.

Маҳаллада яхши бир анъана йўлга қўйилган. Ҳар байрамда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёрдамга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, улар учун байрам дастурхонлари ёзилади. Маҳалла ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари улашилади.

— Аввало, Ўзбекистон диёрида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг иноқ ва тотувликда ҳаёт кечираётгани учун Президентимизга минг раҳмат, — дейди Вячеслав Ким. — Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқлидир. Менга ўзбек халқининг урф-одатлари, миллий таомлари, байрамлари ёқади, айниқса, Наврўз айёмини ўзгача қутиб олашимиз. Ўзбек халқи бағрикенг, меҳрибон ва меҳмондўст халқ. Шу халқ билан бирга яшаётганимдан бахтиёрман.

Қайтар чоғимизда маҳалла посбони ҳам маҳалла тинчлиги ва осойишталигидан хабар олишга отланди. Биз эса ҳар биримизга нурафшон тонларда учрашиш насиб этишини тилаган ҳолда қаҳрамонимиз билан хайрлашдик.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
*Носир Хайдаров олган сурат*

## Hududlardan mujdalar

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Болажонларнинг ёзги таътилини марокли ўтказиш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Нукус туманидаги «Гулбоғ» болалар дам олиш оромгоҳида концерт дастурини ташкил этди.**

Таниқли эстрада хонандаларининг оромгоҳида бўлиши барча болаларни бирдек қувонтирди. Болажонлар кўшиқларга рақсга тушиб, эсдалик учун расмга ҳам тушишди. Оромгоҳ болалари бундай тадбирни уюштирган ташкилотчиларга «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари кенгаши номидан миннатдорлик билдирди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**«Ўзметкомбинат» ОАЖдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти ташаббуси билан корхонага қарашли мактабгача таълим муассасасларида «Соғлом она — соғлом бола» мавзусида давра суҳбатлари ташкил қилинди. Уларда боғча тарбиячилари иштирок этди.**

Давра суҳбатлари жараёнида комбинат тасарруфидаги «Металлург» шифохонаси ҳамда санаторий-профилакторияси шифокорлари томонидан тиббий маданиятни ошириш, аёлларда учраётган касалликларнинг олдини олиш ва бошқа мавзуларда маълумот берилди. Қолаверса, ёшларни оилага тайёрлаш, уларнинг онгида мустақкам соғлом оила тушунчасини қадрият сифатида қарор топтириш бўйича фикр алмашилди.

Тадбир сўнггида мутахассислар иштирокчиларнинг саволларига жавоб беришди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Ҳаракатнинг Навоий шаҳар кенгаши ташаббуси билан Навоий техника-иқтисодиёт касбхунара коллежида «Ёшлар ўртасида «оммавий маданият», миссионерлик, диний ақидапарастликнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш — давр талаби!» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Давра суҳбатида ёшлар орасида диний экстремизм, гиёҳвандлик жиноятларига қарши курашиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари истеъмоли каби иллатлар билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ёшларнинг ҳуқуқий, экологик саводхонлигини ошириш борасида бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг тадбир иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, дебат уюштиришди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ

### ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «**Шаҳарлар, маҳалла-лар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустақкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш.**

Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;
- экотуризмни ривожлантириш;
- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;
- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан уй ҳужалиги, деҳқон ҳўжалиги, оилавий тадбиркорликни юртишда кенг фойдаланиш;
- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;

— биохилмаҳилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;

— табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари-ни жалб қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли ([funduz@parliament.gov.uz](mailto:funduz@parliament.gov.uz) электрон мазлига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаёт-

ган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.** ННТларнинг ўз маблағларини жалб этиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уйда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефон:**  
**239-26-76, 239-26-64.**

# Журналист, энг аввало, яхши одам бўлсин

(Давоми, боши 1-бетда)

Хуллас, Блохин қатори Лев Яшин, Давид Кипиани, Валерий Газзаев, Олег Протосов, Владислав Третьяк, Сергей Бубка, Ирина Роднина, Майя Чибурда-нидзе билан ҳам суҳбатлашганман. Бундай ажойиб воқеалар кўп бўлган. Блохинни эслатганингиз учун эслаб кетдим, холос. Қолаверса, ўша жойда менинг энг асосий гапимни келтиргансиз. Мен бу жумлаларни жуда кўп ишлатаман, суҳбатларда айтаман. Яъни «касбини тирикчилик манбаи эмас, балки ўз ҳаёти, қисмати, эътиқоди деб билган кишигина шундай ишлашга қодир». Мен ҳаётда жуда кўп шундай кишиларни учратганман, ёзганман, уларга ҳавас қилганман. Улардан ўрганганман. Юқоридаги гапни, аслида, мен ўзимга айтиб юраман. Ҳаётини принципим шу. Мен касбимни фақат тирикчилик манбаи эмас, балки қисматим, ҳаётим деб билганман. Шунинг учун ўз ишимни, касбимни яхши кўраман, ундан завқ оламан. Андреа Моруанинг бир гапини ўқиб қолгандим. Кейин уни ишхонамизда алоҳида стенд қилиб ёздириб ҳам қўйгандим. «Киши ўз касбини севса, иш унга завқ бағишлайди, охир-оқибат уни бахтли қилади». Мен буни ўзимга шиор қилиб олганман. Ўз касбига, ишига фидойилик, садоқат ўша касбни севишдан бошланади. У ёғи ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

— **Суҳбатимизни ноширлик фаолиятингиз билан боғлаб давом эттирсак, нима дейсиз?**

— Айни муддао бўлар эди. Акс ҳолда, қандайдир олифтарчилик, ақллилик қилаётгандай ўзимни ноқулай сезяпман. Менга берилган энг яхши савол у иш бўйича берилган саволдир.

— **Сиз хизмат қилаётган «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналари, турли соҳаларга оид китоблар нашр этилмоқда. Бироқ нима учундир, биз ҳамisha фахрлиниб юрадиган Беруний, Ибн Сино, Замахшарий сингари ўнлаб буюк юртдошларимизнинг китоблари айтарли нашр этилмаётгандек. Бу нима билан боғлиқ? Ёки бугунги китобхон томонидан улғулим ватандошларимизнинг асарларига талаб сезилмаётими?**

— Сиз айтган алломалар ҳақида бир нечталаб китобларимиз чиққан. Ҳали сиёҳи қуримаган китобларимиздан бири Ибн Синонинг «Шарқ мумтоз шеърятини дурдоналари» туркумидаги «Мен англаган дунё» китобидир. «Беруний ҳикматлари» китоби чиққанига ҳам кўп бўлмади. Замахшарий ҳақида алоҳида китоб чиқармадик, лекин Нажмиддин Комиловнинг «Тафаккур дурдоналари», Ҳабибулла Зайнидди-

новнинг «Авлодлар мероси — баркамоллик зиёси» ва яна бир қатор китобларда алоҳида боблар ажратилган. Бу орада бошқа нашриётларда ҳам бу улғуларимиз ҳақида қатор забардаст асарлар чиқди. Шу ўринда битта масалани айтмоқчиман. Ҳар бир нашриётнинг ўзи яхши кўрган, ўзига қулай, ўрганган муаллифлари бўлади. Масалан, биз Пиримуқул Қодиров, Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Анвар Обиджонга кўпроқ ўрганганмиз. Уларга «ихтисослашган», таъбир жоиз бўлса, муҳаррирларимиз бор. Ёки дейлик, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижоди, саркардалиги ҳақида кейинги йилларда ўндан ортиқ китоблар чиқардик. Яқинда «Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Бобур номидаги халқаро жамоат фонди билан «Бобур энциклопедияси»нинг нишона нусхасини чиқардик. Ҳозир конференция материаллари асосида уни кенг ўқувчиларга тақдим этиш ишини якунлаяпмиз. Бошқа нашриёт худди шундай бошқа муаллифларга кўпроқ ўрин беради. Битта нашриёт ҳеч маҳал бизнинг буюк меросимизни, истиқлол фидойиларимизни, бугунги адабиётимизни, жаҳон адабиёти дурдоналарини қамраб ололмайди.

Иш услубимда бир жиҳат бор. Бошқа нашриётларимизга ҳурмат билан қараган ҳолда, айнан бир адибнинг китоби бир вақтнинг ўзида иккита нашриётда тенг чиқиб қолмаслигига ҳаракат қиламан. Жайдари тилда айтганда, уларнинг «бозорини ўлдиргим келмайди». Касбдошлар билан йиғилганда, тадбирларда шу нарсани кўп айтаман, лекин ҳамisha ҳам шундай бўлиб чиқавермайди. Масалан, яқинда биз Рауф Парфининг янги китобини чиқардик. Орадан 15-20 кун ўтмасдан бошқа нашриёт ҳам шундай китоб чиқарди. Агар мен бўлганимда ўша китобни бироз ушлаб турган, «Шарқ»да чиққан вариантнинг тарқалиб бўлишини кутган бўлардим. Бу ҳам ноширлик одоби, ноширлик маданиятига қаради.

Энди умуман фаолиятимизга келсак, ҳар йили эллик-олтмиш номда тўрт-беш миллион нусхада мактаб дарсликлари чоп этамиз. Ўттиз-қирқ номда лицей-коллежларга дарслик чиқарамиз. Олий таълим учун адабиётлар нашр қиламиз. Катъий буюртмалар, яъни оддий тилда айтганда, «пулли китоблар»ни ҳам буюртма асосида чиқарамиз. Шу ўринда ҳозир ҳаммамнинг гашига тегиб бўлган «буюртмалар», пулидан қатъи назар, бизда чоп этилмайди. Гарчи ўша пул корхона учун жуда зарил бўлиб турган бўлсада, қабул қилмаймиз. Балки нуфузимизни ушлаб турганимизнинг бир омили шудир.

Булардан ташқари, ҳар йили юзта атрофида бадий китоб чиқарамиз. Бу озми-кўпми, тўғриси, ўзим ҳам билмайман. Бир қарасанг озга, бир қарасанг кўпга ўхшайди.

Умуман, ўрни келиб қолди, бадий адабиётга, китобга муносабат ҳақида гапирмоқчийдим. Ҳозир республикамизда юздан ортиқ нашриёт бор. Мустақилликка эса атиги тўққизта нашриёт бор эди. Ана шу юздан ортиқ нашриётларнинг ярмидан кўпроғи хусусий нашриётлардир. Бу бир тарафдан яхши, лекин иккинчи тарафдан «бемаза қовуннинг уруғи кўп», дегандай, уларнинг ичида олди-қочди, хом-хатала, саводсизларча китоб чиқараётганлар ҳам кўп. «Пул топишнинг 100 хил йўли», «Бой бўлишнинг 10 қоидаси», «Аёлингизни синашнинг 7 тури», «Тўй кечаси» ва ҳоказо чучмал, мужмал китобларнинг бозори чаққон. Айни пайтда юксак маънавият, комил инсон тарбиясига хизмат қилувчи баланс асарлар туриб қоляпти. Шахсан мен Шукур Холмирозев, Омон Мухтор, Мақсуд Қориев, Иброҳим Ҳаққул, Иброҳим Ғофуров, Назар Эшонқул китобларининг туриб қолишини ҳеч тушунмайман. Балки сотувни йўлга қўя олмаётгандирмиз, ундай десам, ҳамма вилоятларнинг ҳартугул марказларида «Шарқ зиёкори» китоб марказимизнинг филиаллари бор. Ёки боя айтганим, хусусий олғир нашриётлар ўқувчи дидини синдириб, «бозорбоп» қилиб юбюрятими, билмайман. Шу асосда республикамизда китоб савдоси ишини жиддий яхшилаш вақти келганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ҳали ҳам бутун бошли бир туманда бирорта китоб дўкони йўқ жойлар бор. Илгариги китоб дўконлари аллақачон хусусийлаштирилиб, ароқ сотадиган «точка» бўлиб кетган.

Мамлакатимизда 23-24 май кунлари ўтказилган китоб байрами халқимиз, ёшлар китобни севишининг яққол намойиши бўлди. Пойтахтдаги Ғафур Фулом боғига одам сиғмай кетди. «Кейингиси қачон бўлади, невараларимни ҳам олиб келардим», деганлар қанча бўлди. Шу куни вилоятларда ҳам бу тадбир давом этди. Биргина Фарғона вилоятида 1 миллиард 225 миллион сўмлик китоб ҳомийлар томонидан мактаб, лицей-коллеж, болалар боғчалари, маҳаллалар, қариялар уйларига совға қилинди.

Чет элларда уч-беш қаватли китоб дўконларини кўрганман. Қаватдан-қаватга эскалатор орқали чиқилади. Бу тўқликдан эмас, китобга эътибордан. Москвадаги «Китоб уйи»да бўлганмисиз? Бизнинг «Пахтакор» стадионига тенг келса керак. Конференция зали, тақдимотлар хонаси, ўқув зали, катта боғи бор. Китоб савдоси маркази эмас, улкан ижодхонага ўхшайди. Ҳар куни бир нечта китоб тақдимоти, уч-



рашувлар, болалар уйлари тарбияланувчиларининг ташрифлари, викториналар ва ҳоказо. У давлат тасарруфидаги ташкилот, шаҳар ҳукумати-га қарайди. Тошкентда ҳам шундай «уй» барпо этиш вақти келди.

— **Мақолаларингиз унинг муаллифи ботинида катта ёзувчи яшаётганини «айтиб» туради. Айни ижод қиладиган, ўқувчиларни зўр бадий асарлар билан хушнуд этадиган ёшдасиз, бунинг учун сизда истеъдод ҳам, билим ва тажриба ҳам борлигига шубҳа қилмаймиз.**

**Саволимиз шундай: журналист бадий адабиётга қанчалик яқин бўлиши керак?**

— Умуман, бадий адабиётга яқинлик ҳеч кимга зарар қилмайди. Айниқса, журналистга. Лекин уларнинг ҳар бирининг маълум чегаралари, тош-тарозулари, ўз «худудлари» бор. Улардан ўтиб кетиб ҳам, боз устига аралаштириб ҳам бўлмайди. Дейлик, долзарб бир тадбир ҳақидаги репортажда фалсафа сўқиш, шоирлик қилиш ёки «ўтлаб» кетиш ярамайди. Улар ўз жанр хусусиятларини йўқотмагани, ўз доирасидан чиқилмагани маъқул.

Энди саволингизнинг бош қисмидаги тағдор шаъмага келсак. Мақолаларимга берган илиқ баҳоингиз учун раҳмат. Мен ҳеч маҳал, ёзувчи бўламан, деб интилмаганман. Гарчи талабалик кезлари ҳикоялар ёзган бўлсам-да. Лекин шоирликка ҳавасманд эдим. Талай шеърлар чоп эттирганман. Барибир мен моҳиятим билан, тағ-туғим билан журналист эдим...

Баъзи сизга ўхшаган кўнгли яқин биродарларим, «бир-икита китоб чиқариб қўй ўз вақтида», деб қўйишади. Тўғри гап, ич-ичимдан тан оламан. Лекин мен илгари газета-журналларда чиққан мақолаларни тўплаб китоб қилишга қаршиман. Газета мақоласи барибир газета учун, ўша аудитория учун, ўша кун, ўша давр учун ёзилади. Тўғри, баъзан шундай

китобларни чиқаришга мажбур бўласан, муаллиф туппа-тузук одам, айтсанг «ҳа энди, жўра, биздан келажак авлод учун нимадир қолсин-да», дейди, ичимдан бир нарсани сезиб кетгандай бўлади, орага кимлардир тушади, «пулини тўлаб қўйибди-ку, сизга нима», дейди. Шунанга китоблар чиқаргим йўқ. «Жа-а келажак авлод сани китобингни ўқийман деб кўзи тўрт бўлиб ўтирибди-да», дейман-у ичимда, индамай қўя қоламан. Гарчи бундай китобларда ҳам нимадир гапи, юки, тоши бўлса-да...

Бу борада яхши режаларим бор, уларнинг ҳам вақти, фурсати келади...

Шу ўринда ноширлик ҳақида... «Turkiston» газетасидан «Шарқ»га ўтганимга қарийб йигирма йил бўлди. Шу давр ичида қўлимдан не-не китоблар ўтди. Эл-юртдан кўп раҳматлар эшитдик. Шу қатори гап эшитганларимиз ҳам бўлди. Ҳар қалай, нонимизни оқлаб юрибмиз. Гап келиб қолди, бир гап айтай. Ношир дунёдаги энг кўнгли очик, самимий, бировнинг ютуғидан ўзининг ютуғи каби қувонадиган халқ бўлади. Эрта-кеч қоралама ўқиб, чизиб-ёзиб, тузатиб, таҳрир қилиб, муаллиф билан талашиб-тортишади — мақсади китоб одамларга манзур бўлсин. Китоб чиндан ҳам кўпчиликка манзур бўлганда, ҳатто муаллифдан зиёд хурсанд бўлади. Ундан ўша китобнинг охириги бетиде «муҳаррир фалончиев» деган бир сатр ёзув қолади, холос. Ана шу ёзув учун яшаш, ишлаш, ижод қилишнинг ўзи катта бахт, катта масъулият.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклаймиз. Оилаларининг бахтига ҳамisha соғ-омон бўлишсин. Ҳаммаларига ижодий барака, бахт-омад тилаймиз.

**Элмурод НИШОНОВ**  
суҳбатлашди

# Чет элга чиқиш тартиби такомиллашди

Taraqqiyot

Abituriyentga ko'mak

**Тошкент давлат техника университетида электроника ва автоматика, энергетика, механика ва машина-созлик, нефть ва газ, саноат тармоқларини бошқариш, геология ва кон ишлари, авиация факультетлари мавжуд.**

**2013-2014 ўқув йили учун университетга бакалавриятнинг 39 та таълим йўналиши ҳамда магистратуранинг 52 та мутахассислиги бўйича қабул эълон қилинган.**

Бу йил бакалавриятга жами 2530 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинади. Шундан 1045 та ўрин давлат гранти, 1485 та ўрин тўлов-контрактга ажратилган.

Магистратура босқичига ажратилган қабул квотаси 444 тани ташкил қилади (166 та давлат гранти, 278 та тўлов-контракт).

Техника соҳасидаги таълим йўналишларига ҳужжат топширган абитуриентлар математика, физика, она тили ва адабиёт фанларидан тест топширадилар. Технология таълим йўналишида тест синовлари математика, кимё, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.

Иқтисодий соҳасидаги таълим йўналишларида тест синовлари фанлар блокига чет тили, математика, она тили ва адабиёт фанлари, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш таълим йўналишида эса чет тили, физика, она тили ва адабиёт фанлари киритилган.

Саноат дизайни йўналишида эса, абитуриентлар математика, она тили ва адабиёт фанларидан тест топшириш билан бирга, ижодий имтиҳондан ҳам ўтишади.

Мустақиллик туфайли барча соҳаларда бўлгани каби фуқаролик паспортларини жаҳон андозаларига мослаштириш ва такомиллаштириш йўналишида бир қанча амалий ишлар қилинди. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида хорижга кетаётган ҳамюртларимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида уларнинг фуқаролик паспортларига дунё миқёсида талаб этиладиган махсус ёзувлар киритиш тартиби йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз фуқароларининг хорижга чиқиш тартибларини такомиллаштиришда ҳуқуқий асос бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, «Чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг ёпиштириладиган стикерини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатлини ҳужжати бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари тизимда салмоқли ишларнинг амалга ошишига асос бўлди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, юртимиз фуқаролари кириш визаси талаб этилмайдиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан ташқари, бошқа хорижий мамлакатларга вақтинча ва доимий яшашга кетаётганларида чет элга чиқиш визаси рухсат ёзувининг ёпиштириладиган стикерини расмийлаштиришлари талаб этилади.

Агар мамлакатимиз фуқаролари чет элга бормоқчи бўлсалар, ўзлари доимий яшаётган жойдаги ички ишлар идораларига мурожаат қилишлари зарур. Бунда қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

Фуқаролик паспорти;  
Анкета (икки нусхада);  
Давлат божи тўлаганлиги ҳақида квитанция;

Тўрт дона (Тошкент шаҳри учун беш дона) фотосурат 35x45 мм. ҳажмда;

Агар фуқаро чет элга даволаниш мақсадида кетаётган бўлса, соғлиқни сақлаш органлари йўлланмаси ёки хориждаги даволаш муассасасининг таклифномаси;

Хизмат сафари билан кетаётган фуқаролар эса, сафарга жўнатаётган ташкилотнинг талабномаси;

Хусусий йўналишлар бўйича хорижга бориш учун мурожаат қилган шахслар таклифнома нусхасини тақдим этишлари лозим.

Махсус рухсат (Ф1, Ф2)ларга эга шахслар эса, юқоридаги ҳужжатлар билан бирга, давлат сирларидан иборат маълумотлардан хабардорлик даражаси ҳақида тегишли ташкилот хулосасини ёки ушбу ташкилот томонидан хулосани МХХга юборганлиги тўғрисидаги чиқиш рақами кўрсатилган маълумотларни тақдим этадилар.

Бундан ташқари ҳарбий хизматга мажбур ҳисобланган 17 ёшдан 27 ёшгача бўлган, чақирув участкасида

қайд этилган ҳамда ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши шарт бўлган йигитлар, мақсадларидан қатъи назар, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан уларнинг хорижга чиқишлари мумкинлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳам юқорида келтирилган ҳужжатлар билан бирга берилади. Бунда мудофаа ишлари бўлимлари томонидан маълумотнома бериш сўров хатисиз амалга оширилади. Ҳақиқий ҳарбий хизматни ва муқобил хизматни ўтаб бўлган фуқаролар мудофаа ишлари бўлимларидан маълумотнома тақдим этмайдилар.

Шунингдек, хорижий мамлакатларга доимий яшашга кетаётган фуқаролар доимий яшаб турган манзилидаги ҳудудий ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига мурожаат қилиб, юқорида қайд этилган ҳужжатлар билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этишлари сўралади:

18 ёшгача бўлган фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхалари, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналари ёки улардан бири билан хорижга кетиш учун розилик берганликлари ҳақидаги нотариал тасдиқланган аризалари, Ўзбекистонда яшаётган, чет элга кетмаган ва ўзаро никоҳда бўлган эрхотинлардан бирининг розилигини тасдиқловчи нотариал тасдиқланган ариза, агар улар вафот этган бўлса, ўлим ҳақидаги гувоҳномаларининг нотариал тасдиқланган нусхаси билан бирга, мамлакатимиз ҳудудида яшаётган собиқ эр-хотинларнинг, агар ўзаро никоҳдан вояга етмаган фарзандлари бўлса, нотариал тарзда тасдиқланган розилик аризаси ҳам топширилади.

Юртимиз ҳудудида доимий истиқомат қилувчи ота-онасининг, турмуш ўртоғининг (биргаликда чиқиш ҳоллари

бундан мустасно) ва собиқ турмуш ўртоғи, агар уларнинг болалари бўлса, нотариал тасдиқланган розилиги, вафот этган бўлса, ўлим ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, бедарак йўқолган бўлса, суднинг шахсни бедарак йўқолган деб эътироф этиш ҳақидаги қарори ҳам илова қилинади. Агар ота-оналардан бири шу вақтда хорижий давлатда бўлган тақдирда уларнинг розилик аризалари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси томонидан тасдиқланади.

Ички ишлар бўлимларининг ХЧК ва ФР хизмати фуқароларнинг чет элга вақтинча чиқиш юзасидан ариза-анкеталарини ўн беш кун муддатда кўриб чиқади. Баъзида қўшимча текширувлар амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда эса, масалан, фуқаро чет элга доимий яшашга кетаётган бўлса, аризаларни кўриб чиқиш муддати ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Фуқаролик паспорти бирор сабабга кўра алмаштирган кишилар ўзларининг аввалги паспортида мавжуд бўлган стикернинг янги паспортга кўчириб берилиши юзасидан доимий рўйхатдан ўтган манзили бўйича ҳудудий ички ишлар органининг ХЧК ва ФР хизматига ўрнатилган тартибда ариза билан мурожаат қилади. Бунда фуқаро аризага қўшимча қилиб эски паспортнинг асосий маълумотлари киритилган 2, 3 ва стикер расмийлаштириб берилган бетларидан нусхани тақдим этади. Агар эски паспортнинг нусхасини тақдим этишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда аризада сабаби кўрсатиб ўтилади. Аввал мавжуд бўлган чет элга чиқиш рухсат ёзуви (стикери)ни янги паспортга кўчириб бериш етти кун ичида амалга оширилади ва бунинг учун давлат божи ундирилмайди.

**ИИБ матбуот хизмати**

## Фуқаролик бурчимиз

Davra suhbatii

**1-Республика тиббиёт коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида «Одам савдосига қарши биргаликда кураш — фуқаролик бурчимиз бўлсин!» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Дастлаб давра суҳбатида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани кенгаши раиси Баҳодир Зиёвидинов давра суҳбатининг мазмун-моҳияти

хусусида тўхталди.

— Одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш,

унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ривож-

лантириш, уларни Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир, — деди Баҳодир Зиёвидинов. — Уйлайманки, бугунги давра суҳбатидан ёшлар ўзлари учун тегишли хулосаларни чиқариб олади.

Тадбирда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази

рота-маърифат маркази ходимлари, «Камолот» ЁИХ БТ етакчилари ҳамда бошқа иштирокчилар томонидан одам савдоси ва унинг жабридан қийналганларни, ёшларни ундан оғоҳ этиб, уларни ҳушёрликка ундовчи ҳужжатли фильм, саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Шунингдек, давра суҳбати якунида «Одам савдоси — давр муаммоси»

мавзусидаги фильм кўрсатилди.

Саҳна кўриниши, фильм намойиши, қизиқарли савол-жавоблар асосида ташкил этилган давра суҳбати ёшларга одам савдосига қарши курашиш борасида маълумотлар берибгина қолмай, уларда турли иллатларга нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилишда аҳамиятли бўлди.

**Майсара НАЗАРОВА,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Инновацион ғоялар амалиётга татбиқ этилмоқда

Инновацияларни ишлаб чиқишга кенг татбиқ этишда илмий-тадқиқот ишларининг ўрни бекиёс. Наманган муҳандислик-технология институтида бу йўналишда изчил чора-тадбирлар олиб борилаётир.

— Наманган муҳандислик-технология институтининг фаолияти тўқимачилик, энгил саноат ва матбаа саноати тармоқлари учун машина ва асбоб-ускуналар, кимё технологиялари, технологик жараёнларни автоматлаштириш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратилган, — дейди институт ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Одилжон Маматкаримов. — 2011 йилда таълим муассасида кимёвий технология, матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси, 2012 йилда метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш таълим йўналишлари очилди.

Этиборлиси, институтда ўтган йилдан бошлаб, маркетинг, маҳсулот сифати ва менежменти, тўқимачилик ва энгил саноат машиналари ҳамда аппаратлари, технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш, кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари, тикув буюмлари технологияси ва конструкциясини ишлаш мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашга киришилган.

Талабаларга замонавий таълим бериш мақсадида институт моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Институтда капитал-реконструкция ишлари амалга оширилди. Айни пайтда бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичи давом этмоқда. Эндиликда талабалар кўркам биноларда, шинам ва замонавий ўқув хоналарида тахсил олмақда. Кувонарлиси, институтда янги спорт зали

жиҳозланиб, фойдаланишга топширилди.

Институтда профессор-ўқитувчиларнинг илмий педагогик салоҳиятини ошириш, малакали мутахассислар захирасини шакллантириш бўйича истиқболли дастур ишлаб чиқилган. 2011-2012 ўқув йилида матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси, кимё технология, технологик машина ва жиҳозлар, энгил саноат маҳсулотлари конструкцияси ва технологияси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабқи қайта ишлаш технологияси, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишлари бўйича мутахассислар ишга тақлиф этилди. Натижада, институт илмий салоҳияти ошди. Кафедраларда 22 та инновацион гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларга 246 нафар профессор-ўқитувчи, катта илмий ходим-изланувчи, тадқиқотчилар, иқтидорли талабалар ва корхоналар вакиллари киритилган.

Бугунги кунда илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилишда олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликнинг самарали механизмини йўлга қўйиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Институтнинг ихтисослашуви ўзгарганини инобатга олган ҳолда махсус кафедраларда илмий-тадқиқот йўналишлари белгиланиб олинди.

Маркетинг кафедраси доценти, техника фанлари номзоди Козимжон Мирдадаев раҳбарлигидаги «Кичик бизнес субъектларида маҳаллий хомашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» мавзусидаги лойиҳа амалиётга татбиқ этил-

ди. Унга кўра, Наманган вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўғрисида маълумотлар тўпланди. Вилоятдаги ва республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги мутахассислар ва олимларнинг ишлари таҳлил этилди.

## СИФАТЛИ ИШЛАЙДИ, ЎЗИ ТЕЖАМКОР

Техника соҳасидаги истиқболли лойиҳалардан бири пахта тозалаш саноати учун тақомиллашган қурилманинг яратилаётганидир. Янги қурилмада аввалгиларидан фарқли ўлароқ, жин машинасини ишчи камерада толадан яхши тозаланган чигитларни ўз вақтида чиқариб олиш мақсадида колосник юза қисми ариқчали қилиб тайёрланган. Ушбу колосник юзасида тозаланган чигитлар ариқчага тушиб, чиқиб кетиши тезлашади. Колосниклар эса, чигитнинг аррали цилиндрига таъсирлашишига йўл қўймасдан унинг эркин ҳаракатини таъминлайди. Янги қурилмени пахта тозалаш корхоналарига жорий қилиш натижасида технологик жараёнда унумдорлик ва самардорлик ортади ҳамда сезиларли иқтисодий фойдага эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтган йиллар давомида бажарилган ишлар хусусида Наманган муҳандислик-технология институтининг илмий ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори, профессор Рустамжон Муродов шундай дейди:

— Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган тўртта илмий

лойиҳа ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан эълон қилинган амалий лойиҳалар танловида ғолиб деб топилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 145 миллион сўми ташкил этади. У, асосан, вилоят миқёсида ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

«Пахта тозалаш заводларида тола сифатини яхшилаш ва миқдорини ошириш мақсадида чигитдан толани ажратиш жараёнини жин машинаси элементларининг янги конструкциясини яратиш йўли билан тақомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот иши бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, бу лойиҳада пахта тозалаш заводларининг иқтисодий самардорлигини ошириш мақсадида жин машинаси ишчи камерасида ҳосил бўладиган хомашё валигининг айлангани тезлаштириш учун унинг ён томонига айлантргичлар ўрнатилиб, тегишли синовлар ўтказилди.

Технологик машина ва жиҳозлар кафедраси доценти Назиржон Сафаров раҳбарлигида олиб борилган «Куёш энергиясидан фойдаланиб чигитли пахтани қуритиш қурилмасини яратиш» мавзусидаги лойиҳа бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Чигитли пахтани қуритишдаги мавжуд усул, техника ва технологияларнинг афзаллиги ва камчиликлари, шунингдек, куёш энергиясидан фойдаланиб, чигитли пахтани қуритиш қурилмасининг афзалликлари аниқланди. Тақлиф этилаётган куёш батареясидан фойдаланиб чигитли пахтани қуритиш қурилмасига давлат патентини олиш учун талабнома юборилди. Қурилманинг тажриба нусхаси тайёрланиб, дастлабки синовлар ўтказилди.

Институт илмий ходимлари Зулфия Мамадалиева ва Елена Тадаева томонидан республикамиз бўйича биогаз технологиясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадида яратилган «Наманган вилоятида иссиқхона ва мактабни биогаз ёрдамида иситиш ва ёритиш» мавзусидаги лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал экологик жамғармасининг кичик грантлар дастурининг Ўзбекистондаги миллий координатори томонидан маъқулланди. Ушбу лойиҳа асосида вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиklarининг муқобил энергия манбаи бўлган биогаз қурилмаларини ўрнатиш амалиёти ва услубиёти ишлаб чиқилди. Лойиҳанинг яна бир муҳим хусусияти шундаки, унинг доирасида талабалар, ўқувчи-ёшлар учун муқобил энергия мавзусида махсус ўқув курслари ташкил этиш мумкин.

Шу билан бирга, бугунги кунга қадар институт олимлари Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент кимё-технология институтидаги ҳамкасблари билан бирга инновацион кооператив ҳамкорлик асосида Тўрақўрғон туманидаги «Улуғбек» фермер хўжалигида ўн гектар ерда синов-тажриба майдони ташкил этилиб, унда топинамбур ўсимлигининг «Файз-барака» ва «Мўъжиза» навлари ўстирилмоқда. Ушбу ўсимликдан 500 тонна атрофида илдиз мева ва 300 тонна поя маҳсулотлари етиштириш кўзда тутилган. Олинган поя маҳсулотидан «Наманган қоғози» хусусий корхонасида 75 тонна целлюлоза тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**  
журналист,  
**Дилбар АСҚАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири.

## Миниатюра ҳаваси

юқори мақсадларга асос бўлди

Ҳар қандай муваффақият замирида болалик қизиқишлари, интилишлари ва, албатта, истеъдод бўлади. Тенгдошимиз, Камолiddин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Сардор Маҳкамовнинг бугунга қадар эришган ютуқлари, миниатюра йўналишидаги изланишлари ҳам мазкур омиллар маҳсулидир.

Ўглининг қизиқишини кўрган отаси Сардорни санъатга ихтисослашган мактабга олиб боради. Мактабни муваффақиятли тамомлагач, тенгдошимиз Республика рассомлик коллежининг миниатюра бўлимида ўқишни давом эттирди. Ёшлигидан нақш, ўймакорлик, расм тўғарақларига мунтазам қатнагани боис, коллеждаги ўқиш жараёнида қийналмади.

Сардор миллий рассомлик ва дизайн институтига қабул қилинган йилданок ўз қобилиятини намойиш эта бошлади. У буюк ватандошимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига миниатюралар чизиш беллашувида, «Соҳибқирон Амир Темур бунёдкорлиги» мавзусидаги ёш мусаввирлар танловида, Абу Али ибн

Сино ҳаёти ва ижодида бағишланган «Ибн Сино — менинг тасавурида» ёшлар бадий кўргазмасида иштирок этиб, муносиб тақдирланди.

2011 йили Украинада ўтказилган кўргазмага Сардорнинг асарлари ҳам қўйилди. Унинг ижод намуналарини синчковлик билан кўздан кечирган МДХнинг «Три Мод» ташкилоти Сардорнинг асарларини мусаввирлар асарлари жамланган тўпламга киритишни тақлиф қилди.

Кўпчилик санъатга иштиёқи баланд тенгдошларимиз яхши рассом бўлиш учун нима қилиш керак, деган савол устида ўйланишади. Хўш, бу саволга Сардорнинг жавоби қандай?

— Яхши миниатюрист рассом бўлиш ва гўзал миниатюра асарини яратиш



учун, аввало, инсон кучли сабр-қаноат, гўзал хулқ, нозик дид соҳиби, сокинликни хуш кўрувчи қалб эгаси, бутун борлиқни ички сезги ва тасаввур билан кўнглида акс эттира оладиган қобилиятли бўлиши керак, — дейди Сардор.

Сардор ўз асарларида халқимизнинг менталитетини, урф-одат ва анъаналаримизни бетакрор чизгилар, ёрқин рангларда ифодалашга уринади. Унинг асарларида юртдошларимизнинг жўшқин ҳаёти, тарихий муҳим воқеликларни акс эттирувчи лавҳаларни кўрамай. Шунингдек, у миллий-

ликни намойиш этиш билан бир қаторда, миниатюрадаги ўзбекона миллий мотивларни сақлаб қолган ҳолда, асарларини ҳозирги замонавий йўналиш билан ҳамроҳангликда яратмоқда.

Ёш мусаввир келгусида миниатюра соҳасида ўзига хос услуб яратиб, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғлаган.

**Фотима МАМАЖОНОВА,**  
Камолiddин Беҳзод номидаги  
миллий рассомлик ва дизайн  
институти талабаси

# Битирувчи ишга шай!

Бугун замонавий ахборот технологияларини билиш янгилик бўлмай қолди. Ўн яшар мактаб ўқувчиси ҳам, масалан, компьютерни, ундан фойдаланиш техникасини зўр билса, ажабланмаймиз.

Бироқ компьютерни профессионал даражада билиш, ҳеч қандай оҳанжамасиз, оддий қилиб айтганда, уни «сайратиб» юбориш ҳамма-нинг ҳам қўлидан келмайди. Қўли теккан компьютерда турли дастурларни бажара оладиган, ўзи ҳам дастур яратиш салоҳиятига эга ёшларни кўрсак, отанга балли, деймиз. Гулистон компьютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежидан ана шундай ўғил-қизлар илм олади.

Коллежда олти йўналиш бўйича 1735 нафар ўқувчи 118 нафар малакали ўқитувчидан билим сирларини

эгалламоқда. Гап ўқувчи ёки ўқитувчилар сонининг қанчаллигида эмас, муҳими, коллежда илм ва ижодий муҳит бор. Ижодий деганимизнинг боиси шуки, ўқувчилар устозлари кўмагида ўзлари ҳам турли дастурлар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Германия кредити ҳисобидан тўлиқ компьютерлар ва уларга техник хизмат кўрсатиш жихозлари билан таъминланган бешта ўқув-лаборатория хонаси, ноутбуклар, рақамли фотоаппаратлар, видеопроекторлардан фойдаланиб, изланиш олиб боришаётир.

Бу йил коллежни 620 нафар ўқувчи тамомлади.



Уларнинг корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузишгани ҳаммадан кўра ўқитувчиларни хушнуд қилди. Энди улар берган сабоқни битирувчилар амалиётда қўллашади! Устозлик бахти шу-да.

Коллеж битирувчиларининг ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётлари бевосита унга бириктирилган корхона ва ташкилотларда олиб борилади. Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ вилоят бўлими ва «Ўзбектелеком»

Kollej-korxonа hamkorligi

акциядорлик компаниясининг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида битирувчилар амалиётларининг ташкил этилгани икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Биринчи томон тажрибали мутахассислар кўз ўнгида билимларини мустақамлаб олди, иккинчи томон иқтидорли ёшларни ўз жамоасига ишга таклиф этди. Энди навбат — ҳақиқий амалиётга!

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

Meridian  
bo'ylab

## Эркатой ўқувчи

Мактаб ўқувчилари учун имтиҳонлар бошланганда, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам фарзандлари билан бирга яна бир бор мактаб имтиҳонларидан ўтишади.

Ҳозирда Франция таълим вазирлиги ҳамда ички ишлар вазирлиги томонидан мактаб битирувчисининг иши кўрилмоқда. Сабаби, инглиз тилидан имтиҳонга ўқувчи ўрнига унинг онаси кирди. 52 ёшли аёл шу даражада кийинган эдики, уни мактаб битирувчисидан фарқлашолмади. Она нақ уч соатлик ёзма ишни ҳеч қандай қийинчиликсиз топширган. Аёл барчасини кўнгилдагидек тугатиб, синфдан чиқаётган вақтда полиция томонидан қўлга олинди.

## Бразилияда намойиш

Бразилияда бўлиб ўтган норозилик намойишларида тахминан 800 минг киши иштирок этди.

Энг йирик намойиш Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб, унда 300 минг киши иштирок этган. Бир қатор ҳолатларда полиция намойишчиларни тарқатиш учун резина ўқлар ва кўздан ёш оқизувчи газлардан фойдаланган. Шунингдек, мамлакат пойтахтида намойишчилар куч билан мамлакат ташқи ишлар вазирлиги биносини эгаллаб олишга ҳаракат қилган, бироқ полиция уларга қаршилик кўрсатган. Маълумотларга қараганда, автомобиль сиққиши туфайли бир киши ҳалок бўлган. Мамлакатда давом этаётган норозилик намойишлари сабабли Бразилия президенти Дилма Руссеф кейинги ҳафта бошида Японияга режалаштирилган сафарини бекор қилишга мажбур бўлган. Норозилик намойишлари иштирокчилари мамлакатдаги ҳаёт даражасининг послиги, коррупция ва полициячиларнинг хоҳлаганини қилишидан норози бўлмоқда.

## Черногорияда автобус ҳалокати

Черногорияда нақ эллик нафар саёҳатчи бўлган автобус ҳалокатга учради.

Автобус жарликка қулаши натижасида 16 нафар йўловчи ҳалок бўлган, 32 нафари эса, жароҳат олган. Яраланганлардан етти киши оғир аҳволда. Улар орасида ёш бола ҳам бор. Ҳалок бўлганларнинг барчаси Руминия фуқароси бўлган. Ҳалокат кечки пайтда Колашин — Подгорица трассасида содир бўлди. Маълумотларга қараганда, автобус қарама-қарши йўлга чиқиб, кўприк тўсиғини уриб, сўнгра 30-40 метр баландликдан тушиб кетган. Маҳаллий ҳокимият ва Руминиянинг Черногориядаги элчиси жароҳатланганларни эвакуация қилишда ёрдам берган ва жабр кўрганлар учун қон беришга келган аҳолига ўз миннатдорлигини билдирган.

## Ажойиб соат

Тонгда уйғонишга қийналадиганлар учун махсус кўнгирақчи соатлар кашф этилди.

Маълумотларга кўра, эрталабки кўнгирақчи ўчиришнинг учун мерган бўлишини лозим. Яъни деворда осилган соатнинг «овозини ўчириш» учун соатнинг ишонини махсус лазерли тўппонча ёрдамида бир уринишда уришингиз керак. Акс ҳолда, соатнинг ашуласи анча давом этади. Ҳозирда унинг баҳоси 18 АҚШ доллари дея баҳоланмоқда.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

# Оилангиз тинч бўлсин

Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан маҳалла фаоллари, туман хотин-қизлар кўмитаси мутахассислари, ўқув муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ҳаётда барча эзгуликлар замирида инсонларнинг ўз оилаларига меҳр-муҳаббатни мужассам бўлади. Таъбир жоиз бўлса, оила ҳаётнинг меҳвари, жамиятнинг кўз қорачигидир. Эътибор берсангиз, ҳаётда муваффақиятларга эришган инсонларнинг кўпчилиги оиласидан ҳаловат тогган бахтиёр кишилардир.

Давра суҳбатида ушбу мулоҳазалар устувор бўлди. Маҳаллада бошқалар-

га ўрнатилган намуна бўлаётган оилалар тилга олинди, уларнинг соҳиблари ҳаёт тарзи, турмуш тўғрисидаги ёшлар сабоқ олишлари зарурлиги таъкидланди.

Касбимиз тақозоси билан турли нотариал ҳолатларни расмийлаштириш учун кўплаб фуқаролар билан муносабатда бўламиз. Ишончнома, ҳада, олди-сотди, мерос каби ҳужжатлар,

асосан, оила аъзолари ўртасида расмийлаштирилмаган ҳолатдир. Бу жараёнда ўзаро ишонч ҳам муҳим роль ўйнайди.

Оила жамиятнинг асосий негизларидан бири эканлиги қонун-қоидаларимиз орқали янада мустақамлаб қўйилган экан, ана шу қонун-ҳужжатларнинг амалда қўлланилиши бизнинг ҳам нотариал ҳаракатларни қонунда белгиланганидек аниқ, пухта ҳужжатлаштиришимизни талаб қилади.

**Марҳамат ТУРДАЛИЕВА,**  
**Яккасарой туманидаги 2-сонли**  
**давлат нотариал идораси**  
**катта нотариуси**

# Ҳуқуқингиз ҳимоя қилинади

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1- ва 3-моддаларига асосан, фуқаролар айрим истисно ҳолатлардан ташқари, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишлари мумкин.

Давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги низоли ишлар хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тизимларида маъмурий-ҳуқуқий низолар деб аталади. Бундай низоларни ҳал қилишнинг тегишли тизими юртимизда ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонуни жисмоний шахслар иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш масалаларини тартибга солиди. Мазкур қонунга тегишли қоидалар, жисмоний шахслар иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процес-

суал кодексига ҳам ўз аксини топган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 2-моддасида фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби белгиланган.

Кодекс мазмунидан келиб чиқиб, маъмурий-ҳуқуқий ишларни уч тоифага бўлишимиз мумкин. Биринчи тоифага фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар киради.

Бунда фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар

(қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсинув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсинув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоб берилса ёки у шикоят берган кундан эътиборан, бир ой ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан ҳарбий судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Иккинчи тоифа ишларга нотариуснинг ёки фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд нотўғри бажарганлиги устидан шикоятлар киради. Умумий қоидага мувофиқ, манфаатдор шахс бажарилган нотариал ҳаракат ёки ҳаракатларни бажариш рад этилганини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда у нотариал идора жойлашган

ҳудуддаги судга шикоят қилишга ҳақли.

Агар ФХДЁ органлари фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ёзувга тузатишлар киритишни рад этса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги хатоликларни белгилаш тўғрисидаги ишларни суд кўриб чиқади. Шунга мувофиқ, суд томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтаридаги хатоликларни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун ФХДЁ органларининг аниқ ҳаракатларни бажаришни рад этганлигини ифодаловчи ҳаракатсизлик бўлиши зарур.

Учинчи тоифа ишлар прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қўзғатилган ишлар ҳисобланади. Прокурор аниқ шаклда қабул қилинган ва тегишли ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирувчи ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган расмий ёзма ҳужжатларга нисбатан иш қўзғатишга ҳақли.

**Миржон ИСАЕВ,**  
**Тошкент давлат**  
**юридик институти**  
**2-курс магистранти**

# Ота орзусини ушалтирган фарзанд

Шафқатсиз уруш Ҳамро бобо Умрзоқовни тўрт ёшида отасидан айирди. Ўзга юрларда қолиб кетган марҳум Умрзоқ Қиличевнинг номи истиқлол туфайли пойтахтимизнинг Хотира майдонидаги китобга зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бугун бухоролик Ҳамро бобонинг невараси Фозил Умрзоқов боболари орзу қилган юртда Ватан тинчлигини сақлашга шайланмоқда.

Неча-неча бегуноҳ аждодларимиз қисматига гувоҳ бўлган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида кўкси қалқон бўлиб саф тортиб турган Фозилбекдек йигитлар аждодларини ёд этиб, уларга муносиб бўлишга, юрт тинчлигини сақлашга аҳд қилишди. Улар Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети битирувчиларидир. Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим

муассасаларида тантанали битирув тадбирлари доирасида ташкил этилган ушбу тадбирнинг айнан «Шаҳидлар хотираси» майдонида ўтказилиши, қайсидир маънода, келажак учун маънавий кўприк вазифасини ўтайди.

Маросимда битирувчиларнинг бир қатор саф тортиши, уларнинг шахдам қадам ташлашига жўр бўлаётган ҳарбий оркестрларнинг жарангдор мусиқа садолари инсонга куч-



гайрат, шижоат бағишлайди. Буни нафақат ўзимизда, балки битирувчиларни тантанали кузатиш маросимида йиғилган барча иштирокчиларнинг юз-кўзидан ҳам англаш қийин эмасди.

Тантанали очилиш маросимида сўнг офицерлик унвонига сазовор бўлган битирувчиларга мутахассислик дипломи билан бирга, олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаганлиги ҳақидаги кўкрак нишонлари ҳам топширилди. Уларнинг қувончи чексиз. Қувончга шерик бўлаётган ота-оналарнинг хурсандчилиги эса, икки ҳисса ортиқ. Шу ҳаяжонли дамлардан фойдаланиб, битирувчилардан бирини суҳбатга тордик.

— Бугун қувончим чексиз, — дейди қашқадарёлик битирувчи Рашид Чоршанбиев. — Чунки ўзим орзу қилган касб эгаси бўлиб, имтиёзли диплом

билан битиряпман. Ҳарбийликка қизиқишим 5-6-синфларда бошланган. Бу қизиқишимни тоғам Хайрулла Пардаевнинг ҳарбий либоси ҳамда ҳарбийлар ҳаётидан сўзловчи «Ватанпарвар» кўрсатуви аниқ мақсадимга айлангирди. Бу ерда беш йил давомида устозларимдан жуда кўп нарса ўргандим. Энди орттирган билим ва тажрибамни келгусида халқимнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга сарфлайман.

Битирувчиларнинг дил сўзларига ота-оналар ҳам қўшилиб, ўз тилаklarини билдиришди.

— Рустамбек тўнғич ўғлим, — дейди Қўқон шаҳридан келган Шухрат Қосимов. — У отасига армон бўлган соҳа эгаси бўлди. Ўғлим ўқиш билан бирга, ушу билан ҳам шуғулланиб, турли мусобақалар чемпиони бўлган. Бундан

барчамиз хурсандимиз. Энди у Ватанимизнинг, бизнинг тинчлигимизни таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов фармони билан ташкил этилган Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетини тугатган битирувчиларга телекоммуникация ва радиотехника мутахассислиги бўйича диплом ҳамда лейтенант ҳарбий унвони берилди. Мана ўн йилдирки, ушбу факультет Қуролли Кучларимиз сафига юқори малакали офицер кадрларни тайёрлаб бермоқда. Бу йилги битирувчи офицерлар ҳам Қуролли Кучларимиз сафига хизмат қилаётган ҳамкасблари билан елкама-елка туриб, Ватанимиз, халқимиз учун хизмат қилади.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири



## Сарҳадларимиз ишончли қўлларда

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида навбатдаги битирувчиларни она Ватанимизнинг тинчлиги ва сарҳадларини ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли ишга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли хонандалар, ота-оналар ва ёшлар иштирок этди.

Қуролли Кучларимиз сафини юксак малакали, чуқур маънавий-маърифий, ҳарбий билимга эга, интеллектуал етуқ офицерлар билан тўлдириш давлатимиз ҳарбий салоҳиятининг муҳим асосларидандир. Шу боис айни пайтда юрагига улкан мақсадни туккан ёшлар кулай шароитларда таҳсил олиб, замонавий, тезкор фикрлайдиган, ўз вақтида аниқ қарор қабул

қиладиган жасур офицерлар бўлиб камолга етишмоқда.

Дунёда халқимиздек ўз армиясини яхши кўрадиган, мард, ўқтам, Ватан ҳимояси, шон-шавкати учун кўкси қалқон ўғлонларига суянадиган халқ бўлмас керак. Бу хусусият мазкур тадбирда ҳам намоён бўлди. Курсантларнинг ота-оналари, опа-сингил, ёр-дўстлари нигоҳларида

чексиз меҳр, фахр туйғусини жо этиб, қўлларига диплом олаётган битирувчиларни кузатишди.

— Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги арафасида билим юртини тамомлаб, Ватанимиз ҳимоясига чоғландик. Тўрт йил мобайнида тажрибали устоз офицерлар кўмагида ҳарбий-тактик билимларни пухта эгалладик. Энди олган билимларимизни хизмат жойларида эл-юртимиз тинчлиги, фаровонлиги, ободлиги йўлида сарф этамиз. Бу нафақат мени, балки билим юртимизни битирган ҳар бир сафдошимни ғурурлантиради, — деди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси, лейтенант Абдулла Мухторов.

Бугун юртимизни та-

раннум этаётган ҳар бир ижодкорнинг меҳнатида, тоғлардек юксалаётган хирмонларимизда, осмонўпар биноларимиз қурилишида Қуролли Кучларимиз офицерларининг бекиёс ҳиссаси бор. Буни тадбирда сўзга чиққанлар ҳам эътироф этди.

Тадбирда курсантларнинг саф тайёргарлиги ҳамда билим юрти ҳарбий оркестри жамоасининг кўрғазмали чиқишлари намойиш этилди. Хонандалар ватанпарварлик ва эзгуликни улугловчи куй-қўшиқлари билан йиғилганлар кўнглига хурсандлик улашди.

**Хайриддин МУРОД,**  
«Turkiston» мухбири.

Сардор Муллахонов олган суратлар



**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам курсантларнинг тантанали битириш маросими кўнглини кайфиятда, дилрабо куй-қўшиқлар, эзгу тилақлар билан ўтди.**